Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 217 (8957). ● 1986 йил 16 ноябрь ● якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

14 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган Кенгашда саноат министрликларининг бирлашмалари ва корхоналарида маҳсулотни давлат қабул қилишини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар В. И. Долгих, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. П. Бирюкова, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Ю. П. Баталин, Г. Г. Ведерников, Л. А. Воронин, В. К. Гусев, Ю. Д. Маслюков, И. С. Силаев иштирок этдилар.

Кенгашда ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

## Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ўртоқлар! Марказий Комитет Сиёсий бюроси саноат министрликлари корхоналарида маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш тўғрисида партия ва ҳукумат қабул қилган қарорни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалий вазифаларни муҳокама қилиш учун КПСС Марказий Комитетида ушбу кенгашни чақиришни зарур, деб топди.

Биз иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар партия комитетлари секретарларини, марказий органлар, министрликлар, бирлашмалар, корхоналар раҳбарларини, мутахассисларни, олимларни, техника контроли хизмати ва давлат қабули ходимларини таклиф этдик.

Баъзиларингизга сизларни муҳим ишдан қолдиргандек, кенгашнинг кун тартиби унчалик муҳим эмасдек, ёки баъзан бизнинг айтишимизча, доимий мавзудек туюлиши мумкин. Кимки шундай мулоҳаза билан келган бўлса, мен кенгаш бошланмасдан олдин ўз фикридан қайтишини илтимос қилардим, чунки бундай деб ўйлаш янглишишдир.

Моҳият жиҳатидан гап жуда катта социал-иқтисодий аҳамиятга молик масала тўғрисида бормоқда, чунки экономика ҳамма тармоқларининг иш якуни маҳсулот сифатида мужассамлашади. Гап халқ хўжалигига қандай маҳсулот жўнатилаётганлиги ва унинг техник даражасини нималар белгилаб бераётганлиги, инсоннинг турмуш маиший шароитларини нималар белгилаб бераётганлиги ва унинг эҳтиёжларини нималар қондираётганлиги тўғрисидадир. Одамларнинг кайфияти ҳам, уларнинг мамлакатимизда юз бераётган барча жараёнларга муносабати ҳам ана шуларга боғлиқ.

Бозорнинг юксак техникавий даражадаги буюмлар ва сифатли истеъмол товарлари билан тўлдирилиши — бу тўлақонли, юксалиб бораётган экономиканинг асосий белгисидир ва аксинча, сифатнинг пастлиги, виждонан қилинмаган ёмон иш — бу ҳам ижтимоий меҳнатни, ҳам моддий техника ресурсларини ва умуман бизнинг бутун миллий бойлигимизни энг хавфли равишда совуриб юборишдир. Лекин умуман олганда ўртоқлар, бизда кўп ҳолларда товар бозори ҳозирдаёқ тўлдирилаяпти, оптимумга яқинлашмоқда. Ишлаб чиқариш қачонлардир ишлаб чиқариладиган, қандайдир нарсалар харид қилинмай қоладиган вазиятга бориб тақалмаслиги учун ана шу иш янада жўшқинроқ бориши лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай белгилар намоён бўлмоқда, кўпгина товарлар тўпланиб қоляпти, уларни сотиб олишмаяпти. Кишиларга янги истеъмол сифатларига эга бўлган янги товарларни таклиф этиш лозим, ана шунда улар товарларни харид қилишади, унга баҳо беришади ва миннатдор бўлишади.

Ҳозирги кунда бизнинг халқ истеъмоли товарларимиз структурасини олиб кўрадиган бўлсак, у ҳолда кўпгина позициялар жиҳатидан биз ғарбдан ҳатто ўзиб кетганмиз ва рационал нормаларга яқинлашиб қолганмиз. Шу билан бир вақтда кўпгина буюмлар мунтазам етишмаётганлигини сезиб турибмиз. Ана шу товарлар агар ички бозорда «Европадаги қайси бир ғарб мамлакатида ясалган» маркаси билан чиқариладиган бўлса, уларни талашиб сотиб олишади. Қандайдир англашилмовчилик юз бермоқда. Нима учун шундай бўляпти? Чунки товарларимизнинг кўпчилиги рақобат қилишга қодир эмас. Айни пайтда бизнинг яхшигина буюмларимизга ғарбнинг ёрлиқларини ёпиштириб қўйишса, бу буюмлар жуда тез сотилиб кетилади. Биз буларни биламиз.

Сифатни ошириш ишимиз қандай борса бутун халқ хўжалигимизда ҳам иш шундай боради. Умуман масалани мана шу тарзда қўйиш лозим.

Агар биз ҳамма маҳсулотлар ва товарларни сифатли қилиб ишлаб чиқарганимизда эди, у ҳолда кўпгина позициялар бўйича масала миқдор жиҳатидан ҳам ҳал этилган бўларди. Халқ хўжалигимизни, ички бозоримизни қондириш ғоят зарур. Биз экономикамизнинг мана шу йўналишида қудратли, чуқур силжиш қила олмас эканмиз, планларимизнинг бажарилишини, олдимизга қўйилган мақсадларга эришишни таъминлай олмаймиз, жамиятимизда, халқимизда куртак ёзган умидларни йўққа чиқариб қўямиз.

Мен ўз сафарларимда ва суҳбатларимда: Марказий Комитет ва Ҳукумат жадаллаштириш вазифасини қўймоқда, лекин жадаллаштиришни сифат билан қўшиб олиб бориш мумкинми?—деган мулоҳазаларга дуч келганман.

Ўртоқлар! Жадаллаштириш фақат юқори сифат орқали, меҳнатни тежайдиган, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этишни таъминловчи катта ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган энг яхши маҳсулот орқали бориши керак ва ҳоказо. Фақат сифат орқали бориши лозим. Жадаллаштириш сифат билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача ўйлайдиган киши эса жадаллаштириш нималигини умуман шу вақтга қадар ҳам тушунмайди. У тезроқ ишла, тезроқ бўл, кўпроқ ясайвер, деб ўйлайди. Шу аҳволда бундай маҳсулотлар умуман халқ хўжалигига ва халққа керакми — бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайди. Бундай ёндашув — жадаллаштириш эмас. Бу — ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда тош асридир.

Жадаллаштириш энг аввало техника тараққиёти орқали, янги техника ва технологияга ўтиш орқали, инсон омилини активлаштириш орқали ўтади. Энг муҳими — сифат ва яна сифат!

Кимгадир оддий, доимий иш бўлиб туюлган проблеманинг қиймати аслида ана шундай. Сифат масаласини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди. Қайта қуришнинг марказига ўткир, ғоят ўткир қилиб қўйди.

Бу позиция бизда аниқ, равшан ва муайян таърифлаб берилган. Ўртоқлар, мен шуни айтмоқчиманки реал воситалар сизларнинг қўлингизда, тармоқларнинг, партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг вакиллари бўлмиш шу ерда ҳозир бўлганларнинг қўлидадир, айни мана шу воситалар ёрдамида улкан ишнинг муваффақияти таъминланиши керак. Бугунги муҳокамани мана шуларнинг ҳаммасини тўла англаб етган ҳолда ўтказиш лозим. Бу ерда бир-биримизни кўндиришга уринмай, ўз ишларимиз ҳақида ҳисобот бериш билан шуғулланмай, нима қилинаётганлиги ва нималар қилиш кераклиги, нималар қўлдан бой берилганлиги, нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар билан ўртоқлашиш керак.

Ўртоқлар, уч кундан сўнг СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини бошлайди, сессия беш йилликнинг иккинчи йили учун СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини қабул қилади. Бу ерда ҳозир бўлган кўпгина секретарлар, Олий Совет депутатлари ана шу план кўрсаткичлари билан ҳозироқ танишдилар. Сиз билан биз аллақачон белгилаб олганимиздек, ҳозирги беш йиллик ўн беш йиллик программамизда алоҳида ўрин, ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу беш йилликда биз асосий замин яратамиз. Биз экономикада, бошқариш соҳасида қандай замин яратсак, мамлакатимизда сиёсий жараён жўшқинлиги нуқтаи назаридан, социал сиёсат нуқтаи назаридан қандай замин яратсак, партия ишининг янги методларини ўзлаштириш, кадрларимиз нуқтаи назаридан қандай замин яратсак, — буларнинг ҳаммаси бизнинг келгуси ўн беш йиллик ишимиз натижаларида намоён бўлади.

Шу сабабли ҳозирги беш йиллик — оғир, мураккаб беш йилликдир, аммо энг қизиқарли беш йилликдир. Биз ишимиз жўшқинлигини ошириб, асосий иқтисодий вазифалар узвий бирликда ҳал этилишига эришишга мажбурмиз. Иккинчи йилнинг плани айни худди шундай тузилган — тараққиёт суръатларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва технологияни тубдан янгилаш, халқ учун тобора юксак техникавий даражадаги ва сифатли саноат буюмлари ҳамда товарларини ишлаб чиқаришни таъминлаш кўзда тутилган. Беш йиллик иккинчи йили планининг асосий таркибий элементлари, философияси ана шундай.

Сиз билан биз сифатни ошириш ишларини бошлаб юборганмиз. Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг барча партия комитетларига, совет ва хўжалик органларига, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, барча меҳнаткашларга «Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги мактубини, ҳамма нарса ўз номи билан аталган анча ошкора партия ҳужжатини эслатиб ўтмоқчиман. Биз ана шу мактуб юзасидан иш бошлаб юборганмиз ва бу ишлар ўз самараларини бера бошлади. Марказий Комитетнинг маҳсулотнинг юксак сифатини таъминлаш сари кескин бурилишга даъвати тушуниб кутиб олинди.

Мен ҳозир ишга чинакамига киришиб, қисқа муддатда илгари халқ хўжалиги ҳам, ички бозор ҳам, айниқса экспорт қабул қилмаган маҳсулотларни бугунги кунда жон деб харид қилинишига эришган ўнлаб корхоналарни санаб ўтишим мумкин, демак, ўртоқлар, биз ишлай оламиз, қўлимиздан келади.

Шунга қарамай, ишларимиз кўнгилдагидек бораётгани йўқ. Талаб қилинаётган кўламларда амалга оширилаётгани йўқ. Сизларнинг ўзларингиз, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги раҳбарлар биласизлар: Марказий Комитетнинг тазйиқи билан ишлаган бўлдик, гаплашиб олдик, Марказий Комитет мактубини муҳокама қилдик, нималардир бошланди, лекин бу иш ҳали чинакамига авж олдириб юборилгани йўқ.

Эртага ёки индинга машинасозлик ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг юз проценти жаҳондаги даражага мос бўлади, деган содда фикрдан мен умуман узоқдаман. Ахир бунинг учун кўп нарсани ўзгартириш, ҳамма нарсани қайтадан ўйлаб кўриш, маҳсулот сифатини излаш йўналишларини аниқлашдан бошлаш, уларни жаҳондаги даражага қиёслаш, конструкциялаш, сўнгра корхоналарга жойлаштириш, техникани, технологияни қайта қуриш, кадрларни бу ишга жалб этиш — буларнинг ҳаммаси кўп куч-ғайрат ва вақт сарфлашни талаб қилади, албатта. Лекин мен иш жуда секинлик билан бормоқда, деганимда бу фикримни рад этиб бўлмайди. Бу иш қийин, ҳам техникани, ҳам меҳнатни ташкил этишни, материалларни, комплектловчи буюмларни, кадрларнинг билимдонлигини, — ҳамма нарсани ўз ичига оладиган ишдир, албатта. Бу, айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришимизнинг гултожи бўлиши керак бўлган ўша энг пировард маҳсулотдир. Шу сабабли мен яна бир бор айтмоқчиман: силжиш бошланди, бу ишда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, лекин бизга зарур бўлган миқёсда ўзгаришлар бўлаётгани йўқ.

Яна бир нарса ҳақида гапирмоқчиман: бу ҳақда мен XXVII съездда гапирган эдим ва ана шу қисмни қанча узоқ ўйлаб тузганлигимиз эсимда. Биз халқ хўжалигида прогрессив, сифатли маҳсулот бераётган кишилар ҳам, умуман тушуниб бўлмайдиган нарсаларни ишлаб чиқараётган кишилар ҳам нормал яшаётган вазиятни қачонгача сақлаб турамиз. Улар хотиржам яшаяпти, бунинг устига ҳатто брак маҳсулот ишлаб чиқарувчи енгил ҳаёт кечирмоқда, чунки техника модернизация қилинмаяпти, унинг куч-ғайрат сарфлашига ҳожат йўқ. Ақлини, асаб системаларини ишга солишга ҳожат йўқ. Яроқсиз ёки сифатсиз маҳсулот учун унга иш ҳақи, мукофот беришяпти.

Агар ҳозир кўпларга: ўз маҳсулотингизни 100 процент ташқи бозорга етказиб берасиз ва қанча пул ишласангиз — ҳаммаси ўзингизники, ўз ихтиёрингизда, дейдиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси юз процент оч-яланғоч бўлиб қолишади, чунки уларнинг сифатсиз маҳсулоти ҳеч кимга керак эмас. Ўртоқлар, бундай ишлаб бўлмайди, ахир.

Қайта қуриш шароитида сифат масалаларига марказий ўрин ажратиш лозим. Сифатни яхшилаш соҳасида ишнинг ҳамма йўналишларида янада қатъийроқ чоралар кўриш керак. Мен бу соҳада кўп нарсани хўжалик ҳисоби, унинг нимани ишлаб топган бўлсанг — ўшани истеъмол қил, ундан фойдалан, пировард натижаларга қараб тақсимла, деган асосий принципи билан боғлайман.

Пировард натижа эса — бу маҳсулот ҳамда унинг эвазига келган маблағдир. Агар бу маҳсулот на истеъмолчига, на халқ хўжалигига керак бўлмаса, у ҳолда пул ҳам ололмайсан. Пул ололмагач, бундан кейин қандай яшаш ҳақида ўйлашинг лозим.

Мен албатта, бугун шундай бўлган эди, эртага эса тўла хўжалик ҳисоби жорий этилади, демоқчи эмасман. Бундай бўлмайди. Аммо биз хўжалик ҳисоби орқали ана шу вазифани ҳал этишга ўтишимиз — шубҳасиз, тўғридир. Айрим ҳолларда бу вазифа тезроқ ҳал этилади, бошқа ҳолларда секинроқ ҳал этилади. Ҳар бир ишнинг ўз суръати бўлади, аммо албатта мана шу йўлдан борилади. Нима яратилган бўлса, унинг сифати қандай бўлса ана шунга қараб ҳақ тўлаш керак. Тушган маблағ эса бутун коллективнинг, корхонанинг ва хўжалик ҳисоби шароитида қайд қилиб бориладиган конкрет ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир кишининг фаровонлиги учун сарфланади. Ана шуни унутмаслик керак.

1987 йил 1 январдан маҳсулот давлат қабулининг жорий этилиши энг муҳим қадам ва қаттиқ чоралардан биридир.

Бу нарса одатда халқ хўжалигининг муҳим маҳсулотини берадиган катта-катта бирлашмаларимизга таллуқли бўлишини назарда тутадиган бўлсак, анчагина жиддий вазифа олдида турибмизки, уни ҳал этиш жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Шуни айтмоқчиманки, давлат қабулини жорий этишга шунчаки ўтганимиз йўқ. Бу идея осмондан тушмади. Бундай иш билан тажриба ўтказилди. Бу ҳақда партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида гапиргандим. Жумладан, Москвадаги «Фрезер» заводини тилга олгандим. У ерда давлат қабулини жорий этиш жараёни силлиққина ўтмади. Бу корхонада технология ва ҳужжатлар қоидадагидек эмаслиги ёки буларга риоя этилмаслиги, техник ҳужжатлар технология билан боғланмаслиги, асбобларнинг кераклиси йўқлиги ва малака ҳам етарли эмаслиги, яъни малакани ошириш кераклиги ва ҳоказолар маълум бўлди. Омиллар ҳам, маҳсулотни қабул қилиб олиш системаси ҳам, хом ашё қабул қилишдаги назорат ҳам, комплектловчи буюмлар ҳам шундай бўлиб чиқди ва умуман бир талай проблемалар намоён бўлди—қолди. Шу тахлитда бир неча ой силқовланиб юришди. Лекин кейин «Фрезер»да ҳамма кўрсаткичлар яхшиланиб кетди ва одамлар чинакамига ишлаб, дарҳақиқат яхши маҳсулотлар бера олишларига дарров қаноат ҳосил қилдилар.

Яна бир масала: давлат қабули органлари вужудга келар-келмас, баъзи жойларда бюрократизм ва қоғозбозликка ботиб қолганликлари тўғрисида сигналлар келмоқда. Қоғозбозлик, янги, ҳеч ким ва ҳеч қаерда қонунлаштирилмаган ҳисоботлар тузиш, справкалар ёзиш, турли ёзувлар тенденцияси пайдо бўлиб қолди. Мана буни тартибсизлик дейиш мумкин. Давлат қабули ўзини фақат дўқ қиладиган, ўзбошимчалик қиладиган алоҳида бир табақа сифатида ҳис этадиган бўлса уни давлат қабули, деб бўлмайди. Аввал бошданоқ маҳсулотнинг сифатини тушуниб етадиган кишиларни танлаб олиш керак, чунки қабул қилиш органларининг хатти-ҳаракатлари кишилар, коллективлар, умуман жамият тақдирига таъсир этади.

Давлат қабули органларига сиёсий ва техникавий дунёқараши кенг, саводли, маънавий етук кишилар танлаб олинмоғи лозим.

Бу ишда партия комитетларининг роли кўринмоғи керак. Корхоналарнинг баъзи раҳбарлари давлат қабули органларига ишбилармон, билимдон ходимларни нега берар эканман, улар кейин менинг ўзимни қийнаб қўйишади, деб ўйлашлари мумкин. Ўртоқлар, бундай позиция ўша раҳбарнинг ўзи ишини қайта қуриб олмаганлигини, рўй бераётган ишларнинг муҳимлигини англаб етмаганлигини билдиради.

Умумий иш учун жонкуяр ходимлар керак. Давлат қабули органининг вакили бирон участкада бирон деталь брак билан чиқаётганлигини кўриб қолса, ўзи шуёққа бориб конструктор, инженер, технологни жалб қилади, ишлаб чиқаришни ташкил этади, ишчилар билан бирга сифат учун курашади. Одамларга мана шундай ёндашув маъқул бўлади.

(Давоми 2-бетда).

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

14 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилиниб, қабул этилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги давлат планини ҳамда 1986 йилги плани қандай бажарилаётганини, 1987 йилги давлат бюджетини ва 1985 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқиш юзасидан СССР Олий Совети палаталари план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг иши тугалланганлиги тўғрисидаги масала тингланди. Палаталар доимий комиссияларининг топшириғига биноан СССР Олий Совети Миллатлар совети план-бюджет комиссиясининг раиси Н. И. Масленников ахборот берди.

СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот материалларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ишлари тугалланганлиги ҳақида СССР Олий Совети палаталари қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг ахбороти кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан мажлисда Миллатлар совети қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг раиси В. П. Миронов сўзга чиқди.

Якка меҳнат фаолияти тўғрисидаги СССР қонун лойиҳаси ҳақида қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларининг ахбороти ҳам тингланди. Иттифоқ совети қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси раисининг ўринбосари А. А. Титаренко ахборот берди. Бу қонун лойиҳасини СССР Олий Советининг олтинчи сессияси муҳокамасига топширишга қарор қилинди.

Мажлисда Президиумнинг СССР Олий Совети бешинчи ва олтинчи сессиялари ўртасидаги даврда қабул қилган фармонларини СССР Олий Советининг тасдиғига киритиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Президиум ядро аварияси тўғрисида оператив хабардор қилиш ҳақидаги конвенцияни ҳамда ядро аварияси ёки радиацион авария вазияти рўй берган тақдирда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди, бу конвенциялар 1986 йил 26 сентябрда Венада имзоланган эди.

Шу конвенцияларни ратификацияга тақдим этган СССР ҳукумати номидан СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Б. Е. Шчербина доклад қилди. Муҳокамада: СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари — Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Таразевич ва Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. -Б. И. Сонгайла, СССР Ташқи Ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский, СССР Атом энергетикаси министрининг ўринбосари Л. М. Воронин қатнашдилар.

Докладда ва мажлис қатнашчиларининг нутқларида конвенциялар, уларнинг ядро энергиясидан тинч фойдаланишдек ҳаётий муҳим ва истиқболли соҳада давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш учун бўлган аҳамияти батафсил таърифлаб берилди.

Конвенцияларни ишлаб чиқиш чоғида совет томони собитқадамлик ва қайишқоқлик билан иш тутганлигига, бошқа мамлакатларнинг позициялари ва хавотирликларини ҳисобга олганлигига эътибор қаратилди. Музокаралар чоғида Совет Иттифоқи ядро аварияларининг ҳамма ҳолатлари, шу жумладан ҳарбий объектлардаги, ядро қуроли билан, ядровий синовлар пайтидаги аварийлар ҳақида хабардор қилишга тайёрлиги яқинда оператив хабардор қилиш тўғрисидаги конвенция руҳига мос келадиган конкрет ҳаракатлар билан тасдиқланди.

Бу битимларнинг тузилиши ишончни вужудга келтириш учун ҳам муҳим бўлиб, хавфсизлик масалаларига ҳам тааллуқли аҳдномаларга эришиш реал равишда мумкинлигини яққол тасдиқлайди. Совет Иттифоқининг фикрича, МАГАТЭда қўйилган қадамлар, шу жумладан мазкур конвенцияларнинг ишлаб чиқилиши халқаро миқёсда ядро энергетикасининг пишиқ-пухталигини таъминлаш соҳасидаги муҳим босқичдир.

Атом энергиясидан тинч мақсадларда барқарор ва хавф-хатарсиз фойдаланишни таъминлаш ишида МАГАТЭнинг, шунингдек БМТнинг ҳамда унинг жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, атроф-муҳитга оид программа сингари ихтисослаштирилган муассасаларининг ролини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

А. А. Громико бўлиб ўтган фикрлашувларни якунлаб, ядро энергетикаси билан шуғулланувчи барча мамлакатларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги асосида ядро энергетикасини хавф-хатарсиз ривожлантириш халқаро режимини вужудга келтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ўртага қўйган таклифлар дунёда кенг миқёсда қўллаб-қувватланганини алоҳида таъкидлади. МАГАТЭнинг Бош конференцияси шу йил сентябрдаги махсус сессиясида мана шундай режим асослари ишлаб чиқилди. Биз бу ишда қатнашган барча мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сарфлаган куч-ғайратлар учун улардан миннатдормиз. МАГАТЭда шу қадар қисқа муддатда иккита халқаро конвенция тайёрланганлиги — давлатлар сиёсат ва экономика, фан-техника ва гуманитар жиҳатлар кўпинча чирмашиб кетадиган мураккаб проблемаларни ҳал этиш йўлларини биргаликда қидириб, топа олишларининг яққол мисолидир. Совет Иттифоқи ядро қуролини батамом ва ҳамма жойда тугатишнинг биз таклиф этган программасини рўёбга чиқариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни бундан буён ҳам қила беради. Ядро энергетикасини хавф-хатарсиз ривожлантириш режими ҳам ялпи хавфсизликни таъминлаш ишига салмоқли ҳисса бўлиши мумкин ва лозим.

СССР Олий Совети Президиуми ядро аварияси тўғрисида оператив хабардор қилиш ҳақидаги конвенцияни ҳамда ядро аварияси ёки радиацион авария вазияти рўй берган тақдирда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги конвенцияни бир овоздан ратификация қилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Д. А. Кунаев, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).

# РЕСПУБЛИКА АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Республика ижодий союзи правлениесининг 15 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорлари асосида архитекторларнинг вазифалари муҳокама қилинди.

Партиянинг 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида шинам квартира билан таъминлашга қаратилган йўлини амалга ошириш ҳамда ҳозирги талабларга мос келадиган шаҳарлар ва уй-жой районларини барпо этиш — совет меъмориниг катта масъулияти ва бурчи эканлиги Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодированинг докладида, нотиқларнинг нутқларида таъкидлаб ўтилди. Аҳолиси тез ўсаётган ва зич жойлашган Ўрта Осиё регионида иморатларни юқори сифатли қилиб, комплекс қуриш, юқори савиядаги лойиҳаларни яратиб бериш проблемалари айниқса ўткир бўлиб турибди. Уй-жой лойиҳаларини миллий анъаналарга мувофиқ равишда, ҳамма қулайликлари билан, қурилишнинг индустриал характерини, зонада зилзилалар бўлиб туриш даражаси юқорилигини эътиборга олиб яратиш зарур.

КПСС XXVII съездининг талаблари асосида қайта қуриш андозачилик ечимларидан, лойиҳалашнинг эскирган усулларидан воз кечишни тақозо этаётганлиги пленумда уқтириб ўтилди. Республикада давримизнинг социал буюртмасига амалий жавоб бера оладиган юқори малакали архитектор кадрлар бор. Улар яратган уй-жой, саноат ва социал-маиший объектларнинг ноёб, типовой лойиҳалари шундан далолат бериб турибди. Кўпгина архитекторларнинг коллективларида ғўрлик, андозачилик иллатлари ўрнашиб қолганлигига асло тоқат қилиб бўлмайди, бу иллатлар шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфасини бир хил қилиб қўйишга олиб боради. Авторлик назоратини ташкил этишдаги либерализм ва принципсизлик, жумладан ўтмишнинг қимматбаҳо меъморчилик ёдгорликлари жойлашган шаҳарларда ҳам қурилиш бош планларини қўпол бузишга олиб келди ва ҳозир ҳам олиб келмоқда. Ижодий союз қишлоқ посёлкаларини ривожлантириш масалалари билан кам шуғулланмоқда.

Пленумда кўпгина ёш архитекторларнинг билими ва малакаси пастлиги қаттиқ танқид қилинди. Шу муносабат билан архитектура соҳасида мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия жараёнини қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Меъморлар ижодий конкурсларда кенгроқ қатнашишлари, архитекторлар союзи эса лойиҳаларнинг кенг муҳокамасини тез-тез уюштириб туриши лозим.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

## БРИГАДИРНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН

**Бадиий буюмлар фабрикасининг илғор ишчиси Шафоат Қорабоева бирданига... 24 кўйлакка гул тикишни ўрганиб олди. У замонавий ёрмадўз автоматлар хизмат зонасини нормада кўрсатилганидан тўрт баравар кўпайтирди.**

**Қорабоева бригадаси корхонада биринчи бўлиб янги техникани ўзлаштира бошлади. Аввал бошқа ҳар бир автоматда икки нафардан ёрмадўз аёл ишларди. Бригадир ҳамкор дугоналарига ўрнак кўрсатиб аввал бир автоматни кейин иккитасини ишлатадиган бўлди. Энди бўлса, тўртта автоматда хизмат қилмоқда.**

**Қорабоева ташаббусини бутун бригада қувватлаб чиқди. Ёш ёрмадўзлардан Ақида Неъматова, Қумри Ғоибназарова, Маъмура Каримова, Фотима Содиқова хизмат зонасини уч автоматгача кенгайтирдилар.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

# «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

**ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Чиноз | 0,03 | 119,12 | 0,01 | 108,06 |
| Янгийўл | 0,06 | 110,32 | — | 95,22 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,00 | 108,42 | — | 118,35 |
| Пискент | 0,01 | 108,36 | — | 96,24 |
| Коммунистик | 0,03 | 103,64 | — | 111,30 |
| Бекобод | 0,04 | 101,96 | — | 81,59 |
| Бўка | 0,20 | 99,68 | — | 95,47 |
| Ғалаба | 0,18 | 99,64 | — | 108,67 |
| Оққўрғон | 0,19 | 99,51 | — | 94,88 |
| Область бўйича: | 0,10 | 104,13 | 0,00 | 99,48 |

## ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ ШУДГОР ҚИЛ!

**ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 15 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

**(планга нисбатан процент ҳисобида)**

| | |
|---|---|
| Бўстонлиқ | 72,7 |
| Коммунистик | 70,4 |
| Чиноз | 61,5 |
| Орджоникидзе | 60,5 |
| Тошкент | 59,2 |
| Ўрта Чирчиқ | 56,7 |
| Оҳангарон | 56,5 |
| Паркент | 55,7 |
| Калинин | 49,6 |
| Янгийўл | 37,1 |
| Пискент | 35,0 |
| Ғалаба | 32,1 |
| Оққўрғон | 22,0 |
| Бекобод | 21,4 |
| Бўка | 18,9 |
| Область бўйича: | 40,6 |

## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси эртага, 1986 йил 17 ноябрь куни эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида СССР Олий Советининг мажлислар залида **Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг** қўшма мажлиси билан очилади.

